

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 12 август, № 165 (8508) Шанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Бухоро шаҳрида 11 август куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш орқали нарх-наво барқарорлигини сақлаш ҳамда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан кафолатли таъминлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**





Бу йилги қаҳратон қиш ва ёздаги ўта иссиқ кунлар синовли бўлди. Шу боис келаётган қишга ҳозирданоқ тайёрланиш, бунинг учун етарли озиқ-овқат захирасини шакллантириш ва энергия барқарорлигини таъминлаш зарур.

Ўтган йилларда пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, аҳолига деҳқончилик учун 200 минг гектар ер ажратилгани озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришда муҳим омил бўлди. Натижада 700 минг нафар аҳоли доимий, яна 1 миллион 300 минг нафари мавсумий иш билан таъминланди. 605 минг нафар деҳқонларнинг даромади ошди. Картошка, пиёз, сабзи билан ўзини ўзи таъминлайдиган туманлар кўпайди.

Шу билан бирга, бир қатор туман ва шаҳарлар сабзавотлар, гўшт ва тухумни бошқа ҳудудлардан олиб келмоқда. Ҳокимлар ажратилган ерлардан фойдаланишни тўғри ташкил қила олмаяпти.

Шу боис давлатимиз раҳбари бу борада янги ташаббусларни билдирди. Энди дастлабки босқичда 10 йил муддатга ажратилган 73 минг гектар майдоннинг ижара муддатлари 30 йилга узайтириб берилади. Бўш турган 100 минг гектар яйловларни чорваси бор аҳоли камида 10 гектардан 10 йил муддатга ижарага олишига рухсат берилади. “Ижтимоий ҳимоя реестри”га киритилган эҳтиёжманд аҳолига ерларни беришда улар ер учун барча тўловлардан озод қилинади.

Талабгор топилмаган майдонларни сувли ва аҳолига яқин ерларга алмаштириш, янги экин жойларини очиқ-ошкора савдога чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Булар ҳисобига 1 миллион тонна маҳсулот етиштириб, қўшимча 800 минг аҳолини даромадли қилиш мумкинлиги айтилди.

Дала четларида узум, кади, қовун, тарвуз ва сабзавот экиб, қўшимча 220 минг тонна маҳсулот етиштириш, 600 минг бош парранда ва 300 минг дона асалари оиласини боқиш бўйича дастур ижроси кўриб чиқилди.

Нархларни жиловлаш такрорий экинларни кўпайтириш ва маҳсулот ҳажмини ошириш орқали бўлиши кераклиги таъкидланди.

Сўнгги йилларда иссиқхоналар майдони 3 баробарга кўпайиб, уларда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажми 90 минг тоннадан 300 минг тоннага кўпайган. Уларда 150 минг аҳоли юқори даромадли иш билан банд.

Куз-қиш мавсумида иссиқхоналарга ёқилғи маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш, зарур бўлса, бунинг хариди учун кредитлар ажратиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан кафолатли таъминлаш вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

Юртимизда “яшил” энергетикани ривожлантириш, иқтисодиётга энергиятежамкор технологияларни жорий этиш бўйича катта ишлар қилинмоқда.

Ўтган даврда 430 мегаватли қайта тикланувчи энергия манбалари ишга туширилди. Шунинг ўзи йилига 1,2 миллиард киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқармоқда. Бу — ижтимоий соҳа объектлари йиллик истеъмолининг 60 фоизига тенг, дегани.

Бугунги кунда ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик объектлари ҳамда аҳоли хонадонларида 250 мегаватт қуёш панеллари ўрнатилди.

Шу билан бирга, энергия ресурсларини тежаш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Йил якунига қадар 3,7 миллиард киловатт-соат электр ва 2,4 миллиард куб метр газни иқтисод қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Иккинчи ярим йилликда 30 миллиард куб метр газ қазиб олиш ҳамда ер ости газ омборларида захирани камида 3,5 миллиард куб метрга етказиш, 41 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқариш вазифаси белгиланди.

Электр тармоқлари ва трансформаторларни тўлиқ таъмирлаш, энергия ресурслари истеъмолида тартиб-интизомни кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куни Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг янги биносини бориб кўрди.

Илгари ушбу таълим маскани ўтган асрнинг 50 — 60-йилларида қурилган биноларда ва тарқоқ жойлашган эди. Ўзининг клиникаси ҳам йўқ эди. Инвестиция дастури доирасида шаҳар чеккасида институт учун янги мажмуа қурилиб, жорий йил май ойида фойдаланишга топширилди.

Мажмуа 900 ўринли ўқув биноси, 200 ўринли клиника, симуляция ўқув маркази, виварий, спорт зали, 1 минг 200 ўринли талабалар ётоқхоналари, ошхонани ўз ичига олган ҳамда жаҳон стандартларидагидек яхлит жойлашган. Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институти филиали ҳам ташкил этилган.

Бугунги кунда институтда даволаш, педиатрия, стоматология, олий ҳамширалик иши, тиббий педагогика, тиббий профилактика, тиббий биология, халқ табобати, фармация каби 9 та йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда. Уларга 568 нафар профессор-ўқитувчи сабоқ бераётир.

— Бу Янги Ўзбекистонга муносиб олийгоҳ бўлди. Энди у илми билан халқимизга хизмат қилиши керак. Юртимизда Тиббиёт академияси, ихтисослаштирилган илмий марказлар, ҳудудларда институтлар бор. Бу илмий салоҳият қандай қилиб халққа етиб боради? Бунинг учун уларни ҳудудларга бириктириш, соғлом тиббий-ижтимоий муҳит яратиш керак. Масъул маҳалласида касалликлар камайишига қараб, мутахассисларга устама бериш мумкин. Образли айтганда, профилактика нуқтаи назаридан 36 миллион аҳоли устида “соябон бўлиш” керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳаллаларда фитобарлар ташкил қилиш, шифобахш гиёҳлар афзаллигини тарғиб этиш, Бухорода фармсаноат кластери тузиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу ерда Бухоро шаҳрини ривожлантириш лойиҳаси кўриб чиқилди.

Бухоронинг тарихий қисмида туризм инфратузилмасини яхшилаш ва сайёҳлар учун шароитларни кенгайтириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, Тўдакўл сув омборининг ғарбий ҳудуди Бухоро вилоятига ўтказилиб, дам олиш туризми ташкил этиш режалаштирилган.

— Бухоро иқтисодиётини барқарор қиламиз, десак, туризм имкониятларини 10 карра оширишимиз зарур. Фақат бугунни, бир йилни эмас, келажак 50 йилни ўйлашимиз керак. Агар вилоятга 10 миллион турист келса, одамлар хизматларни кўпайтирса, қанча даромад пайдо бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚУРУВЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли қурувчи бунёдкорлар!

Аввало, сиз, азизларни қутлуғ касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга самимий ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Эл-юртимиз сизлар каби минг-минглаб моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморларни, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар вакилларини Янги Ўзбекистон равнақига муносиб ҳисса қўшаётган фидойи инсонлар деб билади.

Сизларнинг олижаноб меҳнатингиз билан барпо этилаётган янги-янги тураржойлар, ишлаб чиқариш объектлари, йўл ва коммуникация тармоқлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масканлари мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, ҳаётимизнинг янада обод ва фаровон, файзли бўлишига хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, халқ манфаатини ўйлаб мустаҳкам ва кўркам иморатлар қуриш, равон йўл ва кўприклар бунёд этиш дунёдаги энг савобли ва хайрли ишлардан биридир.

Бугунги қувончли айёмда мана шундай эзгу фаолиятингиз учун сизларга ҳар қанча ташаккур айтсак, арзийди, албатта.

Азиз юртдошлар!

Ҳозирги кунда мамлакатимиз том маънода улкан қурилиш майдонига айланганига барчамиз гувоҳмиз. Бошқа жабҳалар қаторида қурилиш тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда, соҳага янги технология ва инновациялар, энг замонавий меъморий ечимлар фаол кириб келмоқда.

Ўтган етти йил давомида юртимизда қурилиш ишлари ҳажми бир неча баробар ортиб, 2016 йилдаги 30 триллион сўм ўрнига 2022 йилда 131 триллион сўмга, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 68 триллион сўмга етгани мамлакатимиз бунёдкорлари қисқа даврда қандай катта йўлни босиб ўтганидан далолат беради.

Бу ҳақда сўз юритганда, сўнгги йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 1 минг 500 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда йўл ва транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа объектларида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини таъкидлаш лозим.

Аҳолимизнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ушбу йўналишдаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида “Янги Ўзбекистон” массивлари ва уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда 90 минг квартирага эга уй-жойлар барпо этилаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бугунги кунда мамлакатимиз қурилиш соҳасида ҳам янги давр бошланди, десак, тўғри бўлади. Аввало, соҳанинг ҳуқуқий ва моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, республикамизнинг барча ҳудудларида илғор технология ва ёндашувлар асосида фаолият юритадиган янги-янги қурилиш ташкилотлари пайдо бўлаётгани, қурилиш материаллари индустрияси юқори суръатлар билан ривожланаётгани, малакали етук кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани шундай деб айтишга асос беради.

Ҳурматли дўстлар!

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси олдимизга қўяётган муҳим ва долзарб вазифалардан келиб чиққан ҳолда сизлар билан биргаликда соҳада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бош режа ва шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларини янгича мезонлар асосида яратиш учун катта ҳаракатларни бошладик. Жумладан, урбанизация бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда 2023 — 2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурлари шакллантирилмоқда.

Қурилиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичларида жамоатчилик назоратини кучайтириш, сифат ва самарадорликни ошириш, заҳматкаш қурувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Сиз, азизларни, мамлакатимиз қурилиш соҳасини тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча юртдошларимизни касб байрамингиз билан яна бир бор чин юракдан муборакбод этаман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда янги-янги ютуқлар, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилайман.

Жонажон Ўзбекистонимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган меҳнатларингизнинг роҳатини кўринг!

Қўлингиз асло дард кўрмасин, азиз дўстлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

# БУНЁДКОРЛИК ШИЖОАТИ

*Бугун юртимизнинг қай гўшасигаборманг, салобатли ва бири-биридан кўркам осмонўпар биноларга кўзингиз тушади ва беихтиёр кўксингизда фахр ҳисси уйғонади. Шунда “жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётига кўз тегмасин” дея ич-ичингизда қайта-қайта такрорлайсиз. Албатта, осмону фалак билан бўйлашиб турган бундай иморатлар ижодкори моҳир меъморларимизга, унга меҳр билан ғишт қўяётган бунёдкор-қурувчилар фидойилигига тасаннолар айтасиз.*

Дунё мамлакатларида бундай баланд биноларни қуришга катта эътибор қаратилади. Боиси ҳар бир давлатнинг ривожланган мамлакатлар сафига қўшилишида давлат муассасалари ва аҳоли учун қулай тураржойлар мавжудлиги муҳим омил ҳисобланади. Бугун мамнуният билан айта оламизки, шундай гўзал ва барча қулайликка эга улуғвор тураржойлар аҳолининг мўъжазгина ватанига айланган. Ватан эса остонадан бошланади.

Халқимиз яқинда мустақиллигимизнинг шонли 32 йиллигини шоду хуррамлик билан нишонлайди. “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида нишонланаётган байрам шукуҳи аллақачон қалбларимизни эгаллаб олган. Ана шу фарахбахш кунларда яна бир байрам — Қурилиш соҳаси ходимлари куни тантана қилинади. Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги Фармонига биноан юртимизда август ойининг иккинчи якшанбасида Қурилиш соҳаси ходимлари куни нишонлаб келинмоқда. Бу байрамни ҳар бир юртдошимиз юқори кайфиятда кутиб олади. Чунки бунёдкорлик ҳар оилага қувонч ва шодлик улашмоқда.

Келинг, яхшиси бу ҳақда соҳа мутахассислари фикрларига қулоқ тутайлик.

➡2



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган сурат.

ДУНЁ НИГОҲИ

## «South China Morning Post»:

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ХАЛҚ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАРАЖАСИ

## ВА КЕЛГУСИ ЕТТИ ЙИЛЛИК ВАКОЛАТ МУДДАТИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ҲУКУМАТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ КЎРСАТКИЧИДИР

Гонконгнинг инглиз тилида босиладиган қадимий «South China Morning Post» газетасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга бағишланган мақола чоп этилди.

Газетада ёзилганидек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва Хитойнинг Марказий Осиёдаги сармоявий сиёсати икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. «Ўзбекистон раҳбари яқин йилларда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишни давом эттиради, бу эса ушбу Марказий Осиё давлати иқтисодиётига Хитой сармояларининг янги оқими кириб боришини янада кенгайтиради», дея қайд этади муаллиф.

Мақолада таъкидлашича, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг кўп аҳолиси бўлган давлати сифатида минтақавий иқтисодий марказга айланиш учун асослар мавжуд. Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилдан буён кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширмоқда. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши мамлакатнинг хориждаги обрўсини оширди ва Ўзбекистоннинг энг ёмон амалиётларидан бирига барҳам берди.

«Ўзбекистон раҳбари коррупцияга қарши курашни устувор йўналиш сифатида белгилаб, мамлакатда ҳаёт ва бизнес юритишни хавфсизроқ қилишини таъкидлади, — деб ёзади газета мухбири. — Президент Шавкат Мирзиёев савдо тўсиқларини бартараф этиш ва валюта бозорини эркинлаштириш орқали Ўзбекистонни бизнес ва хорижий сармоялар учун жозибадор давлатга айлантирмоқда».

Шунингдек, нашрда Президентни халқ томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси ва унинг етти йиллик ваколат муддати хорижий инвесторлар, жумладан, Хитой учун ҳукумат барқарорлигидан далолат экани таъкидланган.

➡2

«South China Morning Post»:

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ХАЛҚ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАРАЖАСИ

## ВА КЕЛГУСИ ЕТТИ ЙИЛЛИК ВАКОЛАТ МУДДАТИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ҲУКУМАТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ КЎРСАТКИЧИДИР

1

Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси қарийб 11 миллиард долларгача ўсгани, мамлакатдаги 1700 дан ортиқ корхоналар Хитой капитали ҳисобидан молиялаштирилгани маълум қилинган.

«Хитой ва Ўзбекистоннинг бошқа етакчи ҳамкорларидан тўғридан-тўғри инвестициялар мамлакат иқтисодиётининг деярли барча тармоғида мавжуд. Бу тармоқларга нефть-газ, кимё, қурилиш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар киради. Хитой капиталининг ушбу соҳаларда технологик модернизацияни рағбатлантириш ва Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий диверсификациясини ошириш, унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш кўзда тутилган», дея қайд этилади Гонконг босма нашрида.

Мақолада сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баравар кўпайиб, ўтган йили қарийб 9 миллиард долларга етгани ва бу Хитойни Ўзбекистоннинг асосий савдо шеригига айлантиргани хабар қилинган.

Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг дўстона табиати мамлакатнинг Буюк Ипак йўли чорраҳаси сифатидаги тарихий ролини белгилаб берувчи тарихга боғлиқ.

Улар, шунингдек, жорий йилнинг май ойида Сиань шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё — Хитой» саммитида имзоланган кенг қамровли иқтисодий шериклик дастури ҳужжатларида белгиланган икки давлатнинг ўзаро манфаатларидан келиб чиқади.

Нашрда қайд этилишича, ушбу саммит давомида мамлакатлар беш йиллик ҳамкорлик режасини келишиб олди, унда Хитойнинг «BYD» ва «Exeed» автомобиль ишлаб чиқарувчилари учун Ўзбекистонда заводлар қуриш, электр станцияларини тиклашда кўмаклашиш, инфратузилмани кенгайтириш ва темир йўл паркини модернизация қилиш киради. Имзоланган келишувларнинг умумий қиймати 25 миллиард доллардан ошади.

«Шу билан бирга, Ўзбекистон 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробарга, яъни 160 миллиард АҚШ долларига етказишни, фуқароларнинг харид қобилиятини оширишни ва келгуси уч йил ичида тайёр маҳсулот экспортини икки баравар кўпайтиришни, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни мақсад қилган, — дейилади материалда. — Ўзбекистон иқтисодиётни модернизация қилиш режаси доирасида тоза энергия ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эътибор қаратмоқда. Мамлакат қазиб олинадиган ёқилғига қарамлигини камайтирмоқда ва 4 миллиард доллар тўғридан-тўғри сармоя эвазига жами 4 гигаватт қуёш энергиясини қуриш учун Хитой компаниялари билан ҳамкорликни эълон қилди».

Гонконг газетасида эълон қилинган мамлакатимиз ҳаётига оид ушбу таҳлилий мақолада, шунингдек, Хитойнинг Ўзбекистонга киритаётган сармояси барқарор суръатларда ўсиб бораётгани қайд этилган. «Президент Шавкат Мирзиёев томонидан режалаштирилаётган бизнес ва хорижий инвестициялар учун жозибадор муҳит яратишга қаратилган ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилса, мамлакат янада юксалишга эришади», деб ёзади «South China Morning Post» мутахассиси.

«South China Morning Post» газетаси Гонконгдаги нуфузли, инглиз тилида чоп этиладиган энг қадимги нашр ҳисобланади. Газета 1903 йилда ташкил этилган. Нашр ХХР ва Осиё — Тинч океани минтақасидаги сиёсий, ишбилармон ва академик доиралари ўртасида кенг оммалашган.

**«Дунё» АА.**
Пекин

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



### ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА АМАЛИЁТ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталарининг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти сарҳисобига бағишланган брифинг ўтказилди.*

Таъкидланганидек, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ҳисобот даврида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини фаол муҳофаза қилиш, “учинчи сектор”ни жадал тараққий эттириш каби муҳим йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга устувор аҳамият қаратилди.

Ўтган даврда қўмита қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишида Қонунчилик палатасига киритилган 8 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди. Уларнинг 7 таси қабул қилинган бўлса, биттаси иккинчи ўқиш муҳокамасига тайёрланмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қўмита номига келиб тушган 233 та мурожаатнинг аксарият қисмини ижобий ҳал этишга эришилди.

Ҳисобот даврида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучларнинг салоҳиятини кучайтириш, ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш каби муҳим йўналишларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилди ҳамда ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишлар устидан таъсирчан парламент назорати ўрнатилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида қўмита томонидан қутқарув хизматига, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал ва ахлоқий-руҳий тайёргарлигига оид қонун ҳужжатлари, шунингдек, ратификация қилинган соҳага тааллуқли халқаро шартномалар ҳамда битимларнинг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш юзасидан 5 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди.

Ўтган даврда қўмита аъзолари томонидан турли масалалар юзасидан 106 нафар жисмоний ва юридик шахс вакилларининг қабули ташкил этилди. Уларда фуқаролардан келган жами 120 та мурожаатнинг 79 тасига депутатлар саъй-ҳаракати билан ечим топилган бўлса, 41 таси тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган.

### СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан “Сунъий интеллект тизимидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари: зарур қадамлар” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

Тадбирда қайд этилишича, сўнгги йилларда инсонга хос ҳаракатларни турли хил дастурлар асосида бажариш, ижодий фикрлаш қобилиятига эга илм-фан технологиялари шиддат билан ривожланмоқда. Шундай технологиялардан бири — сунъий интеллект ютуқлари бугунги кунга келиб ҳар бир инсон кундалик ҳаётига кириб улгурди.

Ҳозирга қадар мамлакатимизда сунъий интеллект соҳасидаги муносабатлар тарқоқ ҳолдаги 5 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинмоқда. Ушбу ҳужжатлар билан сунъий интеллект технологиялари соғлиқни сақлаш, таълим, иқтисодиёт, ижтимоий ва давлат бошқаруви каби соҳаларга татбиқ этилиши белгиланди. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

**Маълумот ўрнида:**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида келгуси ҳафтада сиёсий партиялар фракциялари йиғилишлари ўтказилиши режалаштирилган. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бўлган муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилади.*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Парламент ахборот маркази.**

# ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИ МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ ИЗЛАМОҚДА

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, тиббиёт ва таълим соҳаси ходимлари, фермерлар, тадбиркорлар, маҳалла фаоллари, ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари билан учрашиб, мулоқотлар қилмоқда.*

## Халқ вакиллари — ҳудудларда

Қуйи палата депутатлари Шуҳрат Бафоев, Қодир Жўраев, Шерзод Раҳмонов ва Таваккал Чориев Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида маҳалла фаоллари, ёшлар етакчилари, тадбиркорлар билан учрашди.

Дастлаб депутатлар туман ҳокими биринчи ўринбосари Нодир Раҳмонов билан биргаликда “Мингчинор” кичик саноат зонаси фаолияти билан танишди. Бу ерда қиймати 192,8 млрд. сўмлик 4 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Халқ вакиллари ушбу лойиҳалар ҳолатини ўрганиб, кейинги йилларда юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш, улар фаолиятини кенгайтириш учун зарур шароитлар яратиш, экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали республикада экспорт ҳажмини ошириш бўйича бажарилаётган кенг қамровли ишлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Парламент қуйи палатаси депутатларининг кейинги манзили Мингчинор ҳудудида фаолият олиб бораётган “Бухоро зарҳал текс” агрокластерига қарашли “Мингчинор чеварлари” МЧЖ бўлди. 70 нафар ишчи ўрнига эга тикув цехида экосумкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Депутатлар цех фаолиятини кўздан кечирар экан, лойиҳа ташаббускори билан суҳбатда МЧЖ фаолиятига доир ўз таклифларини беришди.

Мазкур учрашувлар давомида “Бухоро зарҳал текс”га қарашли ёғ ишлаб чиқариш заводи ҳам кўздан кечирилди. Ўзаро мулоқот чоғида корхонани ишга тушириш ва бу орқали янги иш ўринларини яратишга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

### Камчиликлар ижобий ҳал этилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Нодира Жонибекова ва Сардор Ғиёсовлар Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри ҳамда Ховос туманларида бўлиб, қатор тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан танишди.

Ҳар бир корхонадаги мавжуд муаммолар ўрганилиб уларга биргаликда ечим изланди. Айрим масалаларни бартараф этиш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга депутатлик сўровлари юбориладиган бўлди.

Депутатлар Ховос тумани тиббиёт тизимини ҳам ўрганди. Тиббиёт ходимлари дуч келаётган муаммоларга тегишли ташкилот вакиллари билан биргаликда ечим изланди.

Юзма-юз мулоқот давомида Ховос тумани тиббиёт бирлашмасини туман марказидан узоқлиги аҳолига ноқулайликлар келтириб чиқараётгани айтилди. Ушбу муаммонинг ечими сифатида муассасани туман марказига кўчириш таклифи берилди.

Депутат Н. Жонибекова мазкур учрашувлар давомида Ховос туманидаги 3-мактабгача таълим муассасасида ҳам бўлди. Бу ерда яратилаётган шароитлар ва имкониятлар билан қизиқди. Айрим муаммоларни тегишли ташкилот раҳбарлари билан биргаликда ҳал этиш чоралари кўрилди.

Халқ вакили Янгиер шаҳридаги Абдураҳмон Жомий номидаги МФЙда ҳам бўлиб маҳалла бешлиги фаолияти билан танишди. Бу ерда тадбиркорлик фаолияти, ҳудуддаги аҳоли бандлиги билан қизиқди. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар бандлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар ҳам ўрганилди.

Суҳбат давомида мамлакатимизда кейинги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар, эришилган ютуқлар ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди. Янгиланган Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг тушунтирилди.

### Ҳар бир мурожаат назоратда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Э. Зоҳидов, А. Тўлагенова, Ў. Исломов ва Н. Собировнинг Навоий вилоятидаги учрашувлари ҳам амалий натижаларга бой бўлди.

Қуйи палата депутатлари вилоятнинг Қизилтепа, Хатирчи ва Нурота туманларида бўлиб, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, маҳаллаларда аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказди.

Дастлабки манзил Нурота тумани бўлди. Ҳудудда мактаб, мактабгача таълим муассасаси, оилавий шифокор пункти ва тадбиркорлик объектлари фаолияти ўрганилди.

Тумандаги 4-мактаб директори томонидан касбга тайёрлашда маҳаллий талабдан келиб чиқиб, каштачилик, боғдорчилик, деҳқончилик йўналишларида касбга ўргатиш ишлари олиб бориш таклифи берилди.

Депутатлар тумандаги оилавий шифокорлик пунктида ҳам бўлиб, бу ерда аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши учун яратилган шароитлар билан қизиқди.

Учрашув чоғида тиббиёт ходимлари сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлар экан, туман шароитидан келиб чиқиб, тор доирадаги мутахассислик бўйича соҳа вакилларининг етишмаслигини инобатга олган ҳолда ординатурага квота бериш таклифини илгари сурди.

Халқ вакиллари ўрганишларини Кармана туманида давом эттириб, ҳудуддаги 4-мактаб, мактабгача таълим муассасаси, “Дурмон” МФЙ ва тадбиркорлик субъектларида бўлди.

Мазкур мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Фазлиддин Суворов юртимизда таълим тизимини ислоҳ этиш жараёнида ўқитувчи касби нуфузини ошириш, жамиятдаги мақомини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди.

Шунингдек, депутатлар ҳудуддаги қатор тадбиркорлик субъектларида, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасасида бўлди.

Ўзаро мулоқотлар чоғида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янги таҳрирдаги Конституциядан ўрин олган нормалар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Аҳоли томонидан кўтарилган мурожаатларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилди.

### Тадбиркорлик субъектлари фаолияти ўрганилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Зуҳра Ибрагимова ва бир гуруҳ депутатлар Хоразм вилоятида бўлиб корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда аҳоли вакиллари билан мулоқотлар ўтказди.

Хусусан, халқимизга кўп йиллардан буён хизмат қилиб келаётган “Хонқа биллур салт” хусусий корхонасида бўлган учрашувда тадбиркорни ўйлантириб келаётган муаммолар таҳлил қилинди.

Ушбу корхона маҳсулотларининг асосий қисми экспорт қилинади ва 10 турдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари билан ички бозорни ҳам таъминлаб келади.

Айни кунларда корхона фаолиятини кенгайтириш мақсадида янгидан чет эл технологиялари асосида экстра туз ишлаб чиқариш лойиҳасига қўл урилган бўлиб, ҳозирда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Учрашув чоғида депутатлар томонидан тадбиркорларнинг мавжуд муаммоли масалалари юзасидан таклифлар ҳамда вазифалар белгилаб олинди.

Шундан сўнг депутатлар “Хоразм тех” МЧЖ кластери томонидан амалга оширилаётган янги лойиҳалар билан танишди. Кунига 150 тонна чигитни қайта ишлаш ва қўшимча 5 турдаги ёғ, шулха-шрот ва совун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи ушбу лойиҳа вилоятда ягона ҳисобланади.

Шунингдек, корхона қошида 300 нафар чевар қизни иш билан банд қилиш қувватига эга бўлган тикув фабрикаси фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Туркия технологиялари асосида тайёрланган маҳсулотларнинг аксари экспортга йўналтирилмоқда.

Депутатлар корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишар экан, кластер йўналишида фаолиятни кенгайтириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Мазкур учрашувлар давомида депутатлар “Хонқа чорва капитал” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган янги лойиҳаларни ҳам кўздан кечирди.

Бу ерда жами қиймати 30 миллиард сўм бўлган 3 та янги лойиҳа ижрога йўналтирилган бўлиб, 10 турдаги сут ва сут маҳсулотлари, ун ҳамда омихта ем ишлаб чиқарилмоқда. Мулоқот давомида ёш тадбиркорнинг навбатдаги йирик лойиҳаси ҳам муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар берилди.

*Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.*

**«Халқ сўзи».**

# БУНЁДКОРЛИК ШИЖОАТИ

1

## РЕЖАЛАШТИРИШ — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

**Жаҳонгир АНВАРОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари:**

— Қурувчилик шарафли касб. Чунки қанчадан-қанча оилаларга кўркам ва шинам уйлар қуриб, уларнинг қувончига шерик бўламиз. Бугун бизнинг зиммамиздаги вазифалар кўлами янада кенгайди. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Энг муҳими эса қурилаётган уй-жойлар жаҳон стандарти талабига мос бўлиши белгилаб қўйилди.

Қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш борасида қатор тадбирлар уюштирилиб, шаффофликни таъминлаш мақсадида рақамлаштириш тизими жорий этилди. Лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг электрон рейтинг тизими ишга туширилиб, давлат харидлари (тендерлар) онлайн режимида амалга оширилмоқда.

Ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислоҳотлар туфайли аҳоли пунктларини қуришга комплекс ёндашув, уй-жой, турли бино ва иншоотлар билан бирга ижтимоий инфратузилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, истироҳат боғлари ва хиёбонлар, спорт масканлари бунёд этилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, сўнгги олти йилда мамлакатимиз аҳолиси 5 миллион 500 минг нафарга ўсиб, 36 миллиондан ошди. Уларга муносиб турмуш шароитлари яратиш мақсадида тураржойлар қуришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб 326 мингта янги уй фойдаланишга топширилди. Бу даврда уй-жой билан таъминлаш аҳоли жон бошига 18 фоизга ошди.

Бунинг учун сўнгги уч йилда банклар 210 минг оилага 33 триллион сўмлик ипотека кредитлари ажратди. Эҳтиёжманд 73 минг оилага бошланғич бадал ва фоиз тўловлари учун 1,3 триллион сўм субсидия берилди.

Соҳага бозор тамойиллари жорий қилингани натижасида юзлаб хусусий буюртмачи компаниялар шаклланди. Йиғма темир-бетонли кўп қаватли уйлар қурувчи 11 та йирик кластер пайдо бўлди. Тадбиркорларга шароит яратилгани туфайли цемент, газоблок, кафель, керамогранит ишлаб чиқариш кўпайиб, уларнинг нархи анча арзонлашди.

Энг муҳими эса мамлакатимизда янги таҳрирдаги Шаҳарсозлик кодексининг қабул қилиниши соҳадаги иш кўлами ва ҳажми муттасил ошишига йўл очмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган 6 йил давомида шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича 1370 та шаҳарсозлик ҳужжати, жумладан, 202 та шаҳар ва шаҳарчанинг бош режаси ва 1168 та қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинининг бош режаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида аҳволи оғир 1944 та маҳалланинг бош режа схемалари тайёрланди. Жорий йилда бу ишлар кўлами оширилиб, яна 225 та шаҳарсозлик ҳужжати, жумладан, 11 та шаҳар ва 50 та шаҳарча ҳамда 122 та қишлоқнинг бош режаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

## ТЕНДЕРДА ИНСОН ОМИЛИДАН ВОЗ КЕЧИЛДИ

**Даврон МЕЙЛИЕВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг қурилиш соҳасида тендер, рейтинг ва буюртмачи хизматлари билан ишлаш бўлими бошлиғи:**

— Қурилиш соҳасида давлат харидларини рақамлаштириш тизими жорий қилингани ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Қурилиш-пудрат ташкилотлари, лойиҳа институтлари тендерларда қатнашаётганда улар ҳалолликни, шаффофликни кўришяпти. Чунки бунда инсон омили йўқ. Рейтингни плотформанинг ўзи баҳолайди. Ўзи ғолибни аниқлайди. Бу эса ғолиб бўлиш учун ким биландир келишиш керак, деган тушунчани батамом йўқотди.

Чунки тендер иштирокчилари ўз ишхоналаридан туриб бемалол давлат харидларида қатнаша олади. Шунга шароитлар яратиб бердик. Келажакда мақсадимиз республикадаги пудрат ташкилотларини, лойиҳа институтларини халқаро жаҳон бозорларига чиқаришга қаратилган.

Энг асосийси, қурилишдаги давлат харидларида коррупцияга барҳам берилди. Илгари инсон омили қатнашган пайтда ҳар ҳафтада қурилишдаги тамагирлик ҳақида ижтимоий тармоқларда хабарлар чиқиб турарди. Фалон комиссия аъзоси фалон пул билан ушланди. Бугун мана шу нарсаларга чек қўйилди. Натижада сифатли иш бажара оладиган қурилиш ташкилотлари имкониятлари кенгайди.

Агар тендер қанчалик шаффоф ўтса, қурилиш ташкилотлари бир-бири билан соғлом рақобатлашади. Натижада улар уй-жойни арзон қуриш таклифи билан чиқишади. Шунинг эвазига бюджет маблағи иқтисод қилиб қолиняпти. Буям инсон омилисиз шаффофлик таъминлангани самарасидир.

## ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

**Элёр КОМИЛОВ,
Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бошлиғи ўринбосари:**

— Қурилишда техник меъёрлаш бўйича, асосан, хориж тажрибасини ўрганяпмиз. Жанубий Корея компанияси билан 2025 йилгача ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Сейсмик тадқиқотлар бўйича Япония, ёнғин хавфсизлиги борасида АҚШ тажрибаси ўрганилмоқда. Шунингдек, бугунги электр тақчиллиги шароитида янги уйларга қуёш панеллари ўрнатиш, энергиятежамкор материаллардан кенг фойдаланиш билан бирга хориждан келтирилган замонавий лифтларни Ўзбекистон шаҳарсозлик норма-қоидаларига мувофиқлаштириш устида иш олиб боряпмиз.

Осмонўпар биноларнинг кўп барпо этилаётгани халқимизда хавотир уйғотаётгани рост. Кўпчилик бундай иморатлар зилзилага бардошли эканига шубҳа билан қарашади. Лекин бу қарашларга биз қўшила олмаймиз. Чунки баланд биноларни қуришда замонавий нормалар ва технологияларни татбиқ қилиш мақсадида, илғор хорижий давлатлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан,



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

сейсмик меъёрлар ва зилзилага оид норматив ҳужжатлар бўйича япониялик машҳур мутахассислар билан биргаликда иш олиб борилмоқда. Бунда Япониянинг сейсмик тадқиқотларга оид ҳужжатлари ўрганилиб, маҳаллий қонунчилик ва талабларига мослаштирилмоқда. Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатлари мутахассислари билан ёнғин хавфсизлигига доир норматив ҳужжатларни миллий қонунчилигимизга мувофиқлаштиряпмиз. Унга кўра бинолар ёнғин шароитида ўзини ўзи ўчирадиган тизим яратилади.

Қурилиш нормаларини геология, табиий-иқлим ва сейсмик хусусиятларни инобатга олган ҳолда хорижий нормалар билан уйғунлаштириш бўйича Жанубий Корея билан ҳамкорликда эксперт-консультантлар жалб этилиб, икки томонлама ишчи гуруҳлар тузилган. 2022 йилда вазирликнинг 11 мутахассиси Жанубий Кореяда малака ошириб келди. Шу билан бирга мамлакатимизда Европа Иттифоқи, Буюк Британия, Хитой, Жанубий Корея, Россия, АҚШ ва Япониянинг қурилиш соҳасидаги техник норматив ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнлари шаффоф электрон тизимга ўтказилди. Мазкур ишлар вазирлик ҳузуридаги Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси маркази томонидан амалга ошириб келинмоқда. Экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди. Булар онлайн топширилмоқда. Бугунга қадар 111 мингга яқин объектлар лойиҳалари ушбу тизим орқали экспертизадан ўтказилди. Натижада мазкур объектлар бўйича 20,5 триллион сўмга яқин маблағ тежаб қолинди.

Халқимизда “ўз уйинг, ўлан тўшагинг” деган гап бор. Бу фикр нақадар теран маъно касб этишини одамлар кейинги йилларда барпо қилинган ва бугун ҳам қурилиши қизғин давом этаётган тураржойларга эга бўлганида янада ёрқинроқ ҳис қилмоқда. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ўзининг шахсий уйига эга бўлмоқ бундан бир неча йиллар олдин қанчалик машаққатли иш эди. Бугун эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош ғояси “Инсон қадри учун” тамойили асосида ҳар бир оила ўзининг тураржойига, халқона тилда айтганда, ўз ватанига эга бўлмоқда. Бу эса халқимизнинг жонажон юртга бўлган муҳаббатини юксалтираётгани рост.

**Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

**12 август — Халқаро ёшлар куни**

# ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК БАЙРАМИ

*Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи бир шеърида "Ёшлик — зангор фасл" деб ёзгани бежиз эмас. Бу даврнинг орзулари мўл, истак-интилишлари зангори осмон каби чексиз-чегарасиздир.*

*Шу боис мамлакатимизда ёш авлод вакиллари эртамизнинг таянчи, халқимизнинг бебаҳо бойлиги сифатида асраб-ардоқланади, уларнинг келажаги учун ғамхўрлик қилинади.*

*Янгиланаётган Ўзбекистонда баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, келажакда ўз касбининг етук мутахассислари бўлишлари учун барча шароитни яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар, илгари сурилаётган ташаббуслар, қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар замирида навқирон авлоднинг бахту саодатини таъминлаш, орзу-ниятларини рўёбга чиқаришдек эзгу мақсадлар ётибди.*

*Юртимизда 30 июнь — Ёшлар куни этиб белгиланган ва ушбу сана бутун Ўзбекистон бўйлаб кенг нишонланади. Худди шундай 12 август — Халқаро ёшлар кунига ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Мазкур байрамларнинг кўтаринки руҳда, уюшқоқлик билан ўтказилаётгани ҳам ёш авлодга эътиборнинг яна бир ифодасидир.*

*Аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистонда улар учун кенг имкониятлар яратилган, бутун дунё йигит-қизлари интиладиган мамлакатга айланиб бормоқда. Бугун жаҳоннинг турли нуқталаридан келган ёшлар юртимизда таълим олмоқда, ишламоқда, орзу-умидлари рўёбини кўриб, бахтли келажагига замин яратмоқда.*

*Қуйида ана шундай ёшлардан Ўзбекистондаги ҳаёти, таассуротлари ва мамлакатимизда яратилган кенг имкониятлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.*

**Тони КРЮГЕР (Намибия):**



— 2018 йилдан бери Ўзбекистондаман. Турмуш ўртоғимнинг миллати ўзбеклиги ва Тошкент шаҳрида очилган Вебстер университетида таҳсил олиш нияти мени юртингизга чорлади.

Тошкентнинг ям-яшил боғлари ва сўлим кўчаларини яхши кўраман. Одамларнинг дўстона муносабати она Ватанимни эслатади. Қадриятларимиз ва таомларимизнинг баъзи жиҳатлари ўхшаш. Намибияда биз ҳам ёши улуғ инсонларни жуда ҳурмат қиламиз, болаларни асраб-авайлаймиз.

Мен дунёнинг кўп мамлакатларига саёҳат қилдим ва турфа халқлар, уларнинг маданиятлари, урф-одатлари, анъаналари билан танишдим. Халқаро бакалавр даражасига эгаман, шунинг учун танқидий фикрлаш ва иншо ёзиш қобилиятим кўплаб тенгдошларимга қараганда бироз яхшироқ, деб ўйлардим. Ўзбекистонга келиб, бу ердаги ёшлар билан дўстлашиб англадимки, юртингиз йигит-қизлари дунёдаги тенгдошларидан билим ва салоҳият жиҳатидан ўтса ўтадики, асло кам эмас. Тўғриси, уларнинг она тилини жуда ҳурмат қилиши билан бирга, иккинчи, ҳатто учинчи хорижий тилда бемалол сўзлашлари мени ҳайратда қолдиради. Бу табиий ҳолдек туюлади. Зеро, юртингиздаги таълим олиш учун яратилган жаҳон андозаларига мос шароитлар ҳар қандай йигит-қиз орзуларига қанот бўла олади.

Мен ҳар доим чет элдаги дўстларимни Ўзбекистонга келишга таклиф қиламан. Таомлари ақлбовар қилмайдиган даражада тотли, мевалари ширинлигидан тилни ёрар, халқи ниҳоятда меҳмондўст, тарихи шонли бу диёр уларни ниҳоятда қизиқтириб қўйишига ишончим комил.

**Раъно ШЕРЗОД (Афғонистон):**



— Ўзбекистон нафақат суратан гўзал, балки бу ерда яшашнинг ўзи катта бахт. Кўркам табиат, мусаффо осмон, қалби меҳрга тўла, самимий одамлар. Бу ерда, айниқса, ёшлар бахтли. Чунки уларнинг яшаши, таълим олиши, ҳордиқ чиқариши учун барча қулайлик бор.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги дўстлик алоқалари кенг ривожланиб бораётганидан биз, ёшлар жуда хурсандмиз. Зеро, бу афғонистонлик кўплаб йигит-қизларнинг ният-мақсадлари рўёбига йўл очди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилда Сурхондарё вилоятида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази очилган эди. Шундан сўнг биз Ўзбекистонга келиб, юртингизда билим олиш шарафига муяссар бўлдик. Мен кейинчалик ҳам ўқишни шу ерда давом эттирдим. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида таҳсил олдим. Ишга кирдим.

Ўзбекистонда дунёнинг турли минтақаларидан келган барча ёшлар каби ўзимни ниҳоятда эркин ҳис қиламан. Ўзбек тилини яхши билганим учун жамиятга мослашишим ҳам қийин кечмади. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳукумати томонидан уюштирилган турли халқаро анжуманлар, конференциялар, семинарлар ва телекўрсатувларга таклиф этиламан ва мунтазам қатнашаман.

Ўзбекистонга келиб биз тил, маънавият ва маданият соҳаларини пухта ўргандик, турли шаҳар ва вилоятларга саёҳат қилдик. Ўзбекистонлик кўп йигит-қизлардан дўстлар орттирдик. Улар билан жуда аҳилмиз. Ўзбек ёшлари тиришқоқ, келажагига эътиборли ҳамда истеъдодли. Ишонаманки, улар мамлакатни жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторига кўтара олади.

**Дилвендерсингҳ КҲУРАНА (Покистон):**



— Ўзбекистонда ўзимни ўз ватанимда юргандек сезаман. Гўёки айнан шу мамлакатда ўқиш ва яшаш учун дунёга келгандекман — Ўзбекистонни жуда яхши кўраман.

Йилида уч юз кун қуёш, қиши қишдек — қорли, дилга ёқадиган ёмғирли баҳор, қайноқ тафтли ёз ва серҳосил олтин кузи бор. Бундай мазали меваларни яна қаердан топиш мумкин?!

Одамлар жуда ажойиб, атрофимга ўгирилиб қарасам, фақат яхши одамларни кўраман. Улар менга доим табассум билан қарашади — ўта дўстона халқ. Миллий чолғу асбоблари ва услубларни ёдга олмасам бўлмас, ахир мен созандаман, гитара чаламан. Ғарб мамлакатларида мусиқа, асосан, иккига: мажор ва минорга бўлинса, ўзбеклар куйини тинглаб бу рост, бу икрор, бу эса тасалли, дея таъриф беришади. Бу мени ҳали-ҳанузгача лол қолдиради, тўғриси.

Ўтган икки йил ичида жуда кўп ўзбек дўстлар орттирдим. Улар билан қадимий шаҳарлардан Бухоро ва Самарқандни ўзим учун кашф этдим. Бундай қадамжоларни кўрган одам умрининг охиригача бу ширин таассуротларни унутмайди. Дўстларимни шу ерда туғилганларидан жуда бахтиёр деб ҳисоблайман. Уларга Халқаро ёшлар куни — дўстлик, шижоат ва нафосат байрами муборак бўлсин.

**А. ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# АГРАР ТАРМОҚ ТАҚДИРИ — ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШДА



*Сирдарё вилоятида 2600 гектарга яқин пахта майдонида томчилатиб суғориш тизимларини қуриш ва монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда, 1400 гектар боғ томчилатиб суғорилмоқда ҳамда 400 гектар ғалла майдони ёмғирлатиб суғориш орқали яхши ҳосил кўтарилди. Агар 2017 йилда вилоятда бор-йўғи 4 гектар боғ ва 2 гектар токзорни суғоришда тежамкор технологиялар қўлланган бўлса, бу кўрсаткич ўтган беш йил давомида 51 минг гектарга етди.*

*Ҳисоб-китобларга қараганда, 12 фоиз экин майдонида сувни тежовчи технологиялар жорий этилиши билан вегетация даврида вилоят бўйича 65 миллион куб сув иқтисод қилинади ва қўшимча 10 минг гектардан ортиқ майдонда такрорий экин учун сув захираси яратилади. Минерал ўғитлар сарфи 20 фоизгача, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари 35 фоизгача, техника харажатлари 30 фоизгача қисқаришига эришилади. Бунинг самараси сифатида эса ўртача ҳосилдорликни 45 — 60 центнердан ошириш кўзда тутилмоқда.*





**Инновация**

## Кетмонга дам берадиган усул

Ховос туманининг ерлари ҳосилдор, лекин анчайин қисми тошлоқ. Айнан шу туфайли Сирдарё вилоятининг бошқа туманларига қараганда мазкур ҳудудда қишлоқ хўжалиги экинлари эрта етилади. Аммо тошлоқ ерларга сув тез сингиб кетади. Шу боис ҳам ушбу туманда сув тежовчи технологияларни жорий қилишга катта эътибор қаратилаётир.

Тумандаги "Бешбулоқ Асадбек" фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Бобоқулов тажрибали деҳқонлардан. Унинг раҳбарлигидаги фермер хўжалигида бу йил 73 гектарга ғалла, 66 гектар майдонга чигит экилди. Шундан 40 гектарига томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди. Бунинг учун, аввало, дала бошига 2 километр масофадан электр тармоғи тортилиб, янги трансформатор ўрнатилди. Натижада сув келиши муаммо бўлган ҳудуд обиҳаёт билан тўкис таъминланадиган бўлди. Муҳими, бу амаллар ўз мевасини берди, негаки, ғўзанинг бугунги ривожи юқори ҳосилдан дарак бериб турибди.

— Томчилатиб суғоришнинг афзалликлари жуда кўп экан, — дейди "Бешбулоқ Асадбек" фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Бобоқулов. — Биринчи ўринда энг бебаҳо бойлигимиз — сув тежалади. Иккинчидан, вақтдан ютамиз. Авваллари оқар сув билан 40 гектарни суғоришга ўн кун сарфлаган бўлсак, ҳозир уч кунда суғоряпмиз. Ҳақиқатан ҳам, томчилатиб суғориш кетмонга дам берадиган усул экан. Ғўза ниҳоли борки, барчаси бир текис ривожланяпти. Чунки ҳар бирига сув ҳам, озуқа ҳам бир меъёрда етиб боряпти. Яъни томчилатиб суғоришда ўғитлар авvalгидек техника ёрдамида солинмайди, илдизга бир йўла сув билан узатилади. Натижада харажат ҳам камаяди.

## Ариқ ёқалашга ҳожат қолмади

Сув тежовчи технологиялар жорий қилинганидан сўнг сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар аста-секин бўлса-да, барҳам топмоқда.

Масалан, Сардоба туманининг сув таъминоти оғир бўлган Қўшчинор ҳудудида 60 гектар майдонда бу йил томчилатиб суғориш йўлга қўйилди. Сув танқис бўлгани боис бу далаларда пахта экилмаган, экилган тақдирда ҳам яхши натижага эришилмаган. Фермер хўжалиги жамоаси кам эмас, олти йил давомида ишдан чиққан ернинг ҳосилдорлигини ошириш учун ҳаракат қилди. Аммо натижа бўлмади. Ниҳоят, томчилатиб суғориш тизими ўрнатилганидан сўнг мақсадга эришилди. Ҳозир хўжалик ғўзаси икки марта киройи суғорилди.

Муҳими, ҳар тупда 20 тадан ортиқ кўсаклар бор.

— Бу еримизни етти йил муқаддам олганман, — дейди фермер Абдумутал Жумабеков. — Беш-олти йилдан буён ғалла эксак-да, ҳосилни 25 — 30 центнердан ошира олмасдик. Ўтган йили пахта экиб, оқар сув билан бир амаллаб суғориб, зўрға 25 центнерга етказдик. Сув даламизга 5-6 километр узоқдан келарди. Даламизга етказгунча, кўп мушкулотлар бўлар эди. Бу йил томчилатиб суғоришга ўтгач ушбу ўткир муаммо ҳал бўлди. Бўлажак ҳосил чўғидан ўзимиз ҳам ҳайратдамиз. Камида 40 центнердан пахта оламиз, албатта.

"Иномжон Орзуси" фермер хўжалиги даласида ҳам 40 гектарга томчилатиб суғориш тизими ўрнатилди. Бир пайтлар "Энг қолоқ фермер" деб ном чиқарган Ислом Мўминовнинг бу йилги ниятлари катта. Чунки ишдан чиққан ер томчилатиб суғориш технологияси ёрдамида яна ҳосилдор ерга айланган...

## Имтиёз имконият яратади

Чиндан-да, бир томчи сувнинг қадр-қиммати, аҳамияти йилдан-йилга ортиб бораётир. Шу боис ҳам сув тежовчи технологияларни жорий этаётганлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, ушбу усулни қўллаган фермерларга субсидия ва имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Шунингдек, бундай хўжаликлар давлат томонидан беш йил муддатга ер солиғидан озод қилинади, сув ҳисоблагич қўйилганда сув солиғидан 30 фоиз имтиёз, сув тежовчи технологиялар жорий қилинганда эса ер майдонлари камида беш йил мобайнида мақбуллаштирилмайди.

Пахта майдонларига томчилатиб суғориш тизими ўрнатилган ҳар бир гектар учун 8 — 12 миллион сўмгача субсидия ажратилади. Ушбу технология орқали етиштирилган сабзавот экинлари, картошка, узум, озуқабоп, мойли, дуккакли экинлар, доривор ўсимликлар учун ҳам гектарига 8 миллион сўмдан субсидия ажратилиши белгиланган.

Бундан ташқари, электр харажатининг 50 фоизи давлат томонидан тўлаб берилади. Пахта ва ғалла майдонларига сув тежовчи ускуналар ўрнатишга банк томонидан бир йиллик имтиёзли давр билан беш йил муддатга ҳар бир гектарга 25 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар ажратилади.

## Ўзимизда ишлаб чиқарилганига не етсин!

Мутахассисларнинг айтишича, ҳосилдорликни ошириш ва жорий харажатларни тежаш ҳисобига 10 гектар пахта майдонида оддий усулда суғорилганда 49 миллион сўм фойда кўриладиган бўлса, томчилатиб суғориш тизими қўлланилганда 134 миллион сўм даромад кўрилиши ҳисоб-китоб қилинган.

Мамлакатимиз бўйича 2018 йили сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарган корхоналар сони 3 та бўлиб, 90 фоиз ускуналар, асосан, хориждан келтирилган. Бугунги кунга келиб, ушбу йўналишдаги корхоналар сони 55 тага етди. Ишлаб чиқариш қуввати эса йиллик 300 минг гектарни ташкил этмоқда. Маҳаллийлаштириш даражаси эса 95 фоиздан ошди.

Ўз навбатида, соғлом рақобат, хомашё захирасининг етарли эканлиги маҳсулот таннархига ҳам таъсир кўрсатди. Ҳозир ушбу ускуналар таннархи ўртача 15 — 20 фоизга арзонлашди. Айни турдаги ускуналар Сирдарё вилоятида ҳам ишлаб чиқарилаётир.

Сирдарё туманида жойлашган "Peng-Sheng" қўшма корхонасида томчилатиб суғориш тизимлари учун зарур ускуналар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, Хитой капитали асосида очилган мазкур корхона туманда боғдорчилик тармоғига ҳам катта инвестиция киритмоқда.

2018 йилда ташкил этилган "Agro eko technology" МЧЖ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун 131 гектар майдонда пахта, винобоп ва импорт ўрнини босувчи узум етиштириш билан шуғулланиб келади. Бу ерда барча экинлар томчилатиб суғориш технологиясига асосланган.

Шунингдек, 67 гектар майдонда парвариш қилинаётган ғўзаларнинг ҳосилдорлиги анча баланд. Айтиш керакки, илгари бу майдон очиқ усулда суғорилиб, сув харажати сарфи кўп ва ҳосилдорлиги жуда паст бўларди.

— Бу пахта даласи илгари қийин суғориладиган майдон бўлган. 67 гектарда очиқ усулда суғорилганда 15 — 20 центнер ҳосил олинган, — дейди "Peng-Sheng" қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Ғафуржон Аҳмедов. — Биз замонавий сеялкалар ёрдамида чигитни плёнка остига экиб, бир вақтнинг ўзида томчилатиб суғориш тизимини ҳам ўрнатиб кетамиз. Натижада ғўза ривожи бошқа ҳудудларга қараганда баравж бўлади. Анъанавий суғоришга нисбатан сувни беш баробар кам ишлатяпмиз. Бу йил ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорлик 50 центнердан зиёд бўлиши кутилмоқда. Плёнка, ер ости ва ер усти қувурлари, хуллас, барча зарур ускуналар ўзимизнинг корхонада ишлаб чиқарилади.

## Ҳар томчисида ҳаёт мужассам

Ўрганишлардан маълум бўлмоқдаки, фермерлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа иштирокчиларида суғоришнинг сув тежовчи ва кам харажатли технологияларини жорий этишда ҳали қандайдир чўчиш бордай. Бу, албатта, берилаётган имтиёзли кредитларни қайтариш билан боғлиқ. Шу боис бу борада мутахассисларнинг кенг кўламли ҳамда амалиёт натижаларига асосланган тушунтириш ва тавсияларига эҳтиёж бор, деган фикрдамиз.

Қолаверса, тежамкор технологияларни фақат суви танқис ҳудудларгагина эмас, ариғи сувга тўлиб оқаётганларнинг даласига ҳам киритиш амалиётини кенгайтириш лозим. Чунки мазкур тизимдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу, яъни ўта ҳаётий зарурат ҳисобланмиш сувни тежаш ҳамда тобора ўткир масала бўлиб бораётган сув танқислиги муаммосига муваффақиятли ечим топиш. Шу ўринда дунёнинг оқар сув манбалари етарли давлатларида ҳам томчилатиб, ҳам ёмғирлатиб суғориш технологиялари кенг жорий этилганини айтиб ўтиш ортиқча бўлмайди.

Хулоса шуки, сув тежовчи технологияларни қўллашда биргина обиҳаётни иқтисод қилиш эмас, балки кам меҳнат ва кам маблағ сарфлаб, мўл ҳосил ҳамда яхши даромад олиш мумкинлигини амалда намоён этишга қаратилгандир.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**ЯНГИЛИКЛАР** *хабарлар*
**ТАФСИЛОТЛАР**

*Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида ўтган беш йил давомида саноат ҳажми 7 баробар ортиб, экспортчи корхоналар сони 2,5 марта, улар томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми 17 карра ошди.*

## Экспорт салоҳияти юксалмоқда



Тумандаги "Нил-Гранит" МЧЖ бу борада етакчилик қилмоқда. Зеро, корхона томонидан бир йилда 38 млн. долларлик кийим-кечак хориж бозорларига экспорт қилинмоқда.

— Бу ютуқлар замирида республикамизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини барқарор ривожлантириш учун қулай бизнес муҳити яратилгани мужассамдир, — дейди корхона ижрочи директори Исломбек Собиров. — Мавжуд шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда дунё бозорига "Само" бренди остидаги тайёр кийим-кечак маҳсулотларини пешма-пеш етказиб бермоқдамиз. Бу борада Португалия, Буюк Британия, Германия, Италия ҳамда Туркия каби давлатлардаги ҳамкорларимиз билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 17 минг 200 дона турли ассортиментдаги кийим-кечаклар экспортга чиқарилгани корхона фаолиятининг барқарорлигидан далолат бериб турибди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Андижон вилоятида 2016 йилда саноат маҳсулотлари экспорти ҳажми 6,6 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб ушбу кўрсаткич 113,3 млн. долларга етди. Жорий йилда эса экспорт ҳажми борасида 137,3 млн. долларлик маррани забт этиш кўзда тутилган.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## 17 та махсус автомашина топширилди

*Қарши шаҳрида маиший чиқиндиларни ташиш хизматини йўлга қўйиб келаётган "Qashqadaryo eko trans" масъулияти чекланган жамиятига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида имтиёзли харид қилинган 17 та замонавий чиқинди тўплаш техникаси топширилди.*



— Айни пайтда жамият тасарруфида 30 та чиқинди ташувчи ва 14 та бошқа турдаги вазифаларни бажарадиган махсус техникалар мавжуд, — дейди корхона масъул ходими Сайфулло Бердиёров. — Эндиликда корхона ихтиёридаги техникалар сони 61 тага етди ва бу хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қилади. Ҳозирги кунда жамиятда 170 нафар ишчи-ходим фаолият юритаётган бўлса, янги техникаларнинг олиб келиниши ҳисобига яна 50 дан зиёд қўшимча иш ўринлари пайдо бўлади.

Махсус техникаларни топшириш тадбирида Қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимов иштирок этди.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Ноёб лойиҳа

*Қўшработ туманининг Қийқим маҳалласида маҳаллий ҳокимлик ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамкорлигида қуён боқиш технологиясига асосланган инновацион қуёнхона ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.*



Қуён боқишнинг бу усулида ертўла қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишини ҳисобга олсак, бунда электр энергиясига ҳам, газга ҳам эҳтиёж йўқ. Бу эса қуёнларнинг яхши етилиши ва улғайиши учун айни муддао. Сабаби, қуёнлар табиатда ҳам ер остига ин қуриб кўпаяди.

— Лойиҳа бўйича ертўла-қуёнхона узунлиги беш, эни икки метр бўлади, — дейди "Қўшработ ноёб қуёнлари" МЧЖ раҳбари Руслан Рашидов. — Битта ертўла 26 бош қуёнга мўлжалланган бўлиб, махсус тунукалар билан ёпилади, томнинг ички томони эса минерал вата билан қопланади. Бу тунука қизиб кетган пайтда ҳам пастга иссиқ ўтишидан сақлайди. Шунингдек, ертўла ичига сув ва ем-хашак учун махсус идишлар ҳам ўрнатилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу инновацион қуёнхонадан йил давомида 1,5-2 тоннагача парҳезбоп қуён гўшти олиш мумкин. Бу қурилма барча жиҳозлари ва қуёнлар билан бирга 33 миллион сўмга тушади.

Истиқболли лойиҳа доирасида қуёнхоналар Ўзбекистон қуёнчилик хўжаликлари ассоциацияси ва "Қўшработ ноёб қуёнлари" МЧЖ билан ҳамкорликда кредитга қуриб берилмоқда. Қуёнларни етказиб бериш ва озуқа масаласи ҳам ассоциация зиммасида бўлиб, Италиянинг наслли "Хикол" ва "Хиплюс" зотлари маҳаллий иқлим шароитига жуда тез мослашди.

Қолаверса, аҳоли хонадонида кўпайтирилган қуёнларни ҳам ассоциация сотиб олади. Шу мақсадда келгусида туманда марказлашган кушхона ва ўқув маркази очилади. Ем ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Ҳозирда Қийқим маҳалласидаги 10 та хонадонда шундай қуёнхоналар ташкил этилди.

Жорий йилнинг ўзида вилоятда 300 та хонадонда шу усул орқали одамларнинг бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш режалаштирилган.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Ғафур Ғулом таваллудининг 120 йиллиги



# МОҲИЯТ МИЛЛИЙЛИГИ



*Мамлакатимизда адабиёт, маданият ва санъат, илм-фан соҳаларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, бетакрор илмий ва ижодий мероси билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилган атоқли шоир ва ёзувчилар, бастакорлар, олимлар, кино ҳамда театр санъати намояндаларининг таваллуд саналарини кенг нишонлашга, уларнинг фаолиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 18 апрелдаги фармойишига мувофиқ, мамлакатимизда Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом таваллудининг 120 йиллигига бағишланган турли тадбирлар ўтказилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, юртимизда академик шоирни билмаган, унинг асарларини ўқимаган киши кам топилади. Унинг шеърларидаги теран фалсафа, қуйма қофиялар, гўзал ташбеҳлар, қочиримлар, ҳикоялари, қиссаларидаги халқ ҳаётининг нафис тажассуми, драматик асарларидаги нозик сўз ўйинлари, ҳазил-мутойиба ўқувчини беихтиёр сеҳрлаб қўяди.*

Миллийлик бадиий асар учун ташқи либос ҳам, мавзу йўналиши ҳам эмас, балки эстетик моҳиятдир. Ғафур Ғулом борлиғи ва ўзлиги билан ўзбек эди. Унинг битикларида бу хусусият кўзга бўртиб туради. Улкан шоир асарларида ўзбекка хос миллий белгилар кўзга яққол ташланади. Туғма истеъдод эгаси Ғафур Ғулом жуда яхши билардики, сунъий йўл билан миллий руҳни ифодалаб бўлмайди. У деярли барча битикларида фикр ва туйғуни уйғунлаштиришга уринди. Туйғу ва фикрнинг биргаликда эстетик воқеликка айланиши катта бадиий эффект беради.

Ғафур Ғуломнинг назм ва насрдаги деярли барча асарлари ифоданинг миллийлиги билан ажралиб туради. Бу жиҳатдан, айниқса, "Соғиниш" шеъри ўзига хос ўрин тутади. Шеърнинг *"Зўр карвон йўлида етим бўтадек, Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш. Энг кичик зардадан Юпитергача, Узинг мураббийсан, хабар бер, қуёш"* йўсинидаги илк мисраларидаёқ ўзбекча фикрлаш тарзи, миллий рамзлар тизими сокин ва залварли бир оҳанг билан ифода этилади. Олис йўлдан келиши интизорлик билан кутилаётган зўр карвон, у билан энг яқин кишиси қайтишидан умидвор кишининг ҳолати тасвирида одамга хос ожизлик қанчалик бўртиб ифодаланса, "Энг кичик зарралдан Юпитергача" бўлган барча нарсани Билгувчи, ҳамма нарсани бошқаргувчи Кучнинг тасвирида қудрат шунчалик ёрқин кўринади.

Шеърдаги *"Узилган бир киприк абад йўқолмас, Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид"* мисраларида дунёдаги ҳеч бир нарса изсиз кетмайди, деган фикрнинг гўзал бадиий либосда берилиши ўқирманга кучли таъсир кўрсатади. Асл поэтик даҳо айтмай туриб билдириш хусусиятида намоён бўлади. *"Хоки анжир тугаб қовун ғарқ пишган, Бахтли тонготар чоғ уни кузатдим"* сатрларида Ғафур Ғулом ижодидаги айни шу жиҳат кўринади. Маълумки, анжир дарахти кузда туганаклари билан кўмилади. Кўкламда ана шу туганаклар амал олиб, мевага айланади ва саратон кириб-кирмай, пишиб етилади. Асад ойига қадар анжирнинг биринчи — ҳоқ меваси ейилади. Демак, лирик қаҳрамоннинг ўғлини урушга жўнатиш вақти июль-август ойларига тўғри келади. Вақтнинг ой ёки кун ҳисоби билан эмас, балки мева ва полиз амалидаги босқичлар билан ўлчаниши шоирнинг халқ ҳаётини нақадар яқин билиши, уни бевосита ҳис этишидан далолат. Ўта теран фикрнинг деҳқонча йўсиндаги ифодаси шеърнинг юксак бадиий жозиба касб этишига олиб келган.

Ўзбек отасининг ўзига хос жиҳати *"Не қилса отаман мерос ҳиссиёт"* мисраларида ёрқин кўринади. Ғафур Ғулом отага айнан ҳиссиёт мерослигини таъкидлар экан, миллат хусусиятини нечоғли теран туйишини сездиради. Чиндан ҳам, фарзандини урушга жўнатган ота унинг бурчи, хизмат муддати қачон битишини ўйлашдан кўра кўпроқ болам бирор хавфу хатарга йўлиқмадимикин деган хавотирли ҳисларга берилади. Шеърдаги ўзбекчилик бўртиб кўриниб турган ва соғинч туйғуси авж нуқтада акс этган: *"Кечқурун ош сузсак бир насиба кам, Қўмсайман біровни — аллакимимни. Доимо умидим бардам бўлса ҳам, Баъзан васвасалар босар дилимни"* сатрлари кишини руҳий мувозанатдан чиқаради. Ўзбек оиласи учун кечки овқат қорин тўйдириш воситасигина эмас, балки ўтбошидаги барча аъзоларнинг жамлиги, борлиги ва бирлигини ҳис этиш омили ҳамдир. Шунинг учун ҳам уйдаги кимнингдир йўқлиги бошқа вақтдан кўра кечқурун ош сузилганда яққол билиниб қолади. Чунки оиладаги ҳар бир аъзонинг ўз ўтирадиган ўрни бор. Шоир буни улкан маҳорат билан кўрсата олган. Шеър мисраларидаги сўзлар шунчаки сўзлар эмас, балки айни вақтдаги руҳий ҳолатга махсус бўлган мазмунбор ифодалардир.

*"Балки бир ғалат ўқ, ё хавфу хатар, Хазинаи умримдан йўқотди олмос"* мисраларида Ғафур Ғуломнинг хавотири ўзбекона йўсинда зоҳир бўлгани кўринади. Шоир бари ўзбеклар сингари ёмон сўздан қўрқиш, уни тилга олмаслик удумига амал қилади. У фалокатни ифодаловчи сўзни тилга олмайди. Чунки ўзбек фалокатни ифодаловчи сўз фалокатнинг ўзини чақиради, деб билади. Ўзбек ҳамиша совуқ сўздан, ёмон ниятдан чўчийди. Ота хавотирининг халқ руҳини ифодалайдиган воситалари йўсинда берилиши шеърнинг таъсир даражасини орттирган. Фарзандга, айниқса, ўғилга "хазинаи умр" деб қараш халқимиз табиатидаги асл жиҳат эканини шоир яхши билади ва шеърдаги ана шу салмоқли мазмунга яраша салобатли оҳанг топади.

Шеърдаги *"Яёв, кўксим очиқ, бошда шафтолу..."* тасвирида ифодаланган миллий руҳ кишини мулоҳазага чорлайди. Шоир томонидан лирик қаҳрамон портретининг айнан шу тарзда чизилиши ўқирман кўз олдида ўзбек оқсоқоли қиёфасини гавдалантиради. Бу сатрлар яхшилик кунларида ўзбек қарияларининг худди шундай кийиниб, айнан шу йўсинда салмоқ билан бир-бир босиб юришини англатади. Шеърнинг *"Суйганининг лабида реза тер каби, Унда титраб турар сабуҳий шабнам. Мунчалик мазани топа олмайди, Уйқуда тамшанган чақалоқлар ҳам"* мисраларидаги образли ифодалар ҳам дунёни ўзбекча кўз билан кўришнинг бетакрор маҳсулидир. Бу банддаги тасвирларнинг миллий илдизи ҳақида мулоҳаза юритиш натижасида ўзбекнинг боғида етиладиган шафтоли тукидаги тонгги шабнам гўзал қиз лаби устидаги майин тукка илашган терга ўхшатилгани, меванинг мазаси эса она сутига менгзалгани англаб етилади. Ифода йўсинидаги одмилик, жиддийлик, ёлғон кўтаринкиликнинг йўқлиги шеърнинг таъсир даражасини чандон орттирган.

Шоирнинг ўғлига хаёлан *"Ўз боғинг, ўз меванг данагин сақла"* қабилидаги мурожаатида маъжозий маъно бор: бу тилак бошинг омон бўлсин, ўз боғингга ўзинг эгалик қил мазмунини англатади. Ишончга тўлиқ оҳанг оддийгина "боғ" сўзини юрт мақомига, жўнгина "мева" калимасини фарзанд мартабасига кўтаради. Ўзбек пардалаб, рамз билан гапиришни хуш кўради. Шоир юқоридаги мисра воситасида ўғлига уруш комидан омон қайтгину юртингга эгалик қил, боғ, яъни оила қур, мева, яъни фарзанд кўр тарзида ният билдиради. Шеърдаги *"Умид данагини бирга экингиз"* сатрига жо бўлган ўзбекона ният "қўша қаринг" ёки "бола-чақангиз кўпайсин" шаклида ифодаланиши ҳам мумкин эди. Лекин унда бадиий сўз ҳозирги тароватидан маҳрум бўлиб, эстетик таъсир даражаси камаярди. Шу ҳолича мисранинг ифода йўсини тўкислиги билан диққатни тортади. "Соғиниш"даги *"Дур бўлиб тақилур ёринг бўйнига, Садафдай кўзимда беҳуда бу ёш, Икковинг икки ёш, лабинг — лабига қўяр. Васвасамдан кулади қуёш"* бандидаги "ёш" сўзининг такрори натижасида ҳам сирли, ҳам таъсирли оҳанг пайдо бўлади ва бу сўздаги маъно айирмалари шеърнинг жозибасини янада кучайтиради.

Ғафур Ғулом ўзбек насри тараққиётида ҳам чуқур из қолдирган ёзувчи эди. Унинг ҳикоялари тасвирнинг аниқлиги ва таъсирчанлиги, миллий руҳни тўлиқ берабилиши жиҳатидан тенгсиз эстетик ҳодисалардир. Чунончи, "Ҳасан Кайфий" асари муаллифнинг кўпчилик қисса ва ҳикоялари сингари эртакларга ўхшаб бошланиши биланоқ миллийдир: "Бир бор экан, бир йўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан деганларидек, осмон тарвузининг остида, ер тарвузининг устида бир подшоҳи азим яшар экан. Ери шунчалик кўп эканки, унга қарам қишлоқлардан биттадан гувалак йиққанда ҳам бутун сарой аҳлига сағана қуришга етар экан. Унга қарам фуқаролари ҳам шунчалик кўп эканки, агар ҳар биттасидан биттадан қўноқ олинса ҳам, тўққиз хумда бўза солишга етар экан". Адиб подшога қарашли ерларнинг "катта"лиги ва унга тобе одамларнинг "кўп"лигига доир анъанавий болахонадор тасвир, эртакларга хос

> **Улкан шоир асарларида ўзбекка хос миллий белгилар кўзга яққол ташланади. Туғма истеъдод эгаси Ғафур Ғулом жуда яхши билардики, сунъий йўл билан миллий руҳни ифодалаб бўлмайди. У деярли барча битикларида фикр ва туйғуни уйғунлаштиришга уринди.**

оҳанг ёрдамида "катта" мамлакатнинг аслида қандайлигини билдириб, улкан эстетик самарага эришади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у асардаги тимсолларнинг хатти-ҳаракатларини баҳоламай, тавсифламай туриб, уларни ичдан шундай кўрсатадики, кимлиги ўз-ўзидан аён бўлиб қолаверади. Ҳасан ямоқчининг табиати тасвиридаги самимий, "Хизр" портрети ва феълини кўрсатишдаги киноялли оҳангнинг ўзиёқ образлар тўғрисида ёрқин тасаввур туғилишига олиб келади.

Ҳасан Кайфий уйининг ҳолати, ундаги жиҳозлар тасвирланган ўринлар қаҳрамон шахсини аниқлашнинг ишончли калитларидир. Улар шунчаки жиҳозлар эмас, балки шахс руҳиятининг ифодалари. Бу тасвирларда борига қаноат, йўғига сабр қиладиган ўзбекнинг табиати намоён бўлади. Ҳасан ямоқчининг камбағаллиги унинг дангасалиги ёки шудсизлигининг эмас, балки бойликка ҳирс қўймаганлиги ва қаноат туйғусига эгалигининг натижасидир. Ҳасан Кайфий уйининг эшиги ёпилмаслиги тасвирини қаҳрамон табиатининг кўзгуси дейиш мумкин. У — бугуни билан яшайдиган, эртанги кун учун Яратганга таваккал қилган, қаноат ва сабрни давлат деб билган ўзбек тимсоли. Унинг ўзбеклиги шундаки, ўз қарашларини бировга тиқиштирмайди, билъакс ўз турмуш тарзидан хижолат бўлгандек, ҳамиша ҳаммадан андиша қилади. Бу ҳолат персонажнинг оҳангидан, сўзлаш тарзидан билиниб туради.

Шу ўринда Ҳасан ямоқчини ўзбекнинг типик вакили деб бўлмаслигини, адиб уни ниҳоятда ўзига хос, кўпчиликка мутлақо ўхшамайдиган йўсинда тасвирлаганини таъкидлаш керак. Кайфий — типик образ эмас, аммо тип даражасида ишланган тимсол. Ўзи реал ҳаётда типик одам бўлмагани сингари бадиий адабиётда ҳам типик образнинг бўлиши мумкин эмас. Типиклик шахсликдан маҳрумликни, қиёфасизликни, синфий ёки ижтимоий хосликни англатади. Ҳар қандай одам эса, аввало, алоҳида одамдир ва ундан сўнггина бирор қавм ёхуд қатламга мансубдир. Ҳасан Кайфийдаги ўзига хосликнинг ундаги умумий жиҳатлардан кўра кучлироқ тасвирлангани асар муваффақиятини таъминлаган асосий бадиий омилдир.

Ямоқчининг кунига бир танга топгунчагина ишлаб, сўнг дўконни ёпиши ҳам унинг табиатига камсуқумлик, қаноат туйғулари хослиги ва бу хислатларнинг боболардан ўтиб келаётган эзгу сезимлар эканини билдиради. Унинг подшога қарата: "...тақсир, соядан бирон нарса умид қилган киши аҳмоқ бўлади" дейиши ўзини бечорагина қилиб кўрсатаётган ямоқчининг ўткир ақли, ҳозиржавоблигини кўрсатади.

Ҳикоядаги барча ҳаётий вазиятларда ҳам қаҳрамон миллий асосларга содиқ ҳолатда тасвирланади. Қанчалик ёқимсиз ва совуқнафас бўлмасин, Ҳасан меҳмоннинг юзига чопмайди, хаёлидаги ўйларини юзига айтолмайди. Киши сабру қаноат билан ақлга мувофиқ яшаса, ҳеч қачон армонда қолмаслиги ямоқчиларнинг осилиши ҳақидаги хабарни эшитган Ҳасан Кайфий кўрган тадбир тасвири мисолида ёрқин кўринади. Ўтинчиликнинг тақиқланиши ҳақидаги фармонга қарши Кайфий кўрган чора ҳам унинг шахсига хос топқирлик ва яшовчанликни ифодалаши жиҳатидан беқиёсдир. Шу боис асар эртак ўқигандай саргузашт излаб ўқилмайди, ўқирманни характерлар тўқнашувидаги драматизм қамраб олади.

Ҳасан Кайфийнинг ўзига хос табиати унинг бир сўмлик ишни икки тангага бажаргани, бир кунлик харажатига керакли пул топгач, мешида қолган сувни тўкиб ташлаши сингари ҳолатларда тўла намоён бўлади. Унинг ақли нафсига эмас, балки нафси ақлига қарам. Шу боис у нақд фойдадан юз бура олади. Нафс занжиридан тўла халос бўлган ақл яшин тезлигида ишлайди, эгасини ҳар қандай қийин вазиятдан чиқариб кета олади. Ақли манфаатга кишанбанд қилинмагани учун ҳам Ҳасан Кайфийнинг "Ҳа, ишқилиб, ақлим билан меҳнатим саломат бўлсин" йўсинидаги алқови ўзига жуда мос тушади.

Ҳасан ямоқчи тимсолида ўзбекка хос бағрикенглик, меҳмондўстлик сингари сифатлар ёрқин намоён бўлган. Чунончи, Кайфийдай тадбиркор ва гапга чечан одамнинг кетма-кет бесаранжомликлар келтираётган совуқоғиз меҳмонга оғринмай хизмат қилиши учун у фақат ўзбек бўлиши керак. Бошқа ҳар қандай миллат вакили меҳмонга ундан норози эканини қай йўсиндадир айтган бўларди. Бошига тушаётган барча балоларга сабр қилиш ўзбекка махсус сифатлиги аён.

Ҳикояда хос навкар қилиб тайинланган Ҳасан Кайфийнинг отга бошқа аскарлар ёрдамида мингани, қиличнинг тиғини пичоқчи ўртоғига сотиб, отни эса боғдор қўшнисига ижарага бергани тасвирланган ўринларда табиатан сипоҳиликдан йироқ, бир умр меҳнати орқасидан кун кўрган косибнинг табиати бор бўйи билан кўринади. Асарда ўткир ақл, тоза ният, жасур қалб эгаси бўлган кишини енгиш мумкин эмаслиги, фикрловчи инсон беҳад қудратли бўлиши маҳорат билан кўрсатилган. Ҳикоянинг бетакрор ва ўзига хос тили алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбек тилининг камалак нурларидай сержило экани ҳикоянинг қизиқарли бўлишини таъминлаган омиллардандир.

Мана шу иккигина асарнинг таҳлили Ғафур Ғулом ижодининг миллий ва демакки, умуминсоний моҳиятини ёрқин акс эттиради. Ишонамизки, адиб умрининг 120 йиллиги мангулик йўлидаги илк бекатлардир.

**Қозоқбой ЙЎЛДОШ,**
**педагогика фанлари доктори, профессор.**



## Саломатлик

*Халқимиз "Асад ойи — асал ойи" деб бежиз айтмайди. Бу ойда деярли барча мевалар, полиз маҳсулотлари ғарқ пишади. Уларни истеъмол қилиб, танимиз қувватланади, зарур дармондориларга эга бўлади.*

*Бу даврда дастурхонимизни, айниқса, қовун-тарвуздан айри ҳолда тасаввур қилолмаймиз. Бироқ мамлакатимизнинг континентал иқлими полиз экинларининг мазасини болдек қилиши билан бирга, баъзида уларнинг тез айнишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу боис қовун-тарвузни танлаб сотиб олиш, сақлаш ва унинг истеъмоли билан боғлиқ маълум билимларга эга бўлишимиз, тартибларга амал қилишимиз фойдадан холи эмас.*

*Айни шу мавзуда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси бош мутахассиси Абдураҳмон ИСМОИЛОВ билан суҳбат қилдик.*

# ТАРВУЗ – ДАВО, ҚОВУН – САБО



**— Полиз маҳсулотларининг одам организми учун қандай фойдали жиҳатлари бор? Инсоннинг кундалик овқатланиш рационида қовун-тарвузнинг улуши қанчани ташкил этиши керак?**

— Донишманд халқимиз бекорга "Тарвуз — даво, қовун — сабо" демаган. Айниқса, ёши улуғ онахону отахонларимиз, спортчи йигит-қизларимиз, умуман олганда, ҳар ким учун полиз маҳсулотлари кони фойда. Масалан, тарвуз таркибида L-ситруллин-аминокислотаси кўп бўлиб, у ўз ўрнида бўғимлардаги оғриқни тўхтатишга ёрдам беради. Гўзал аёлларимиз учун эса тарвуз уруғи тери ҳолатини яхшиловчи ва ошқозон яллиғланишига қарши самарали восита ҳамдир. Бундан ташқари, у темир, рух ҳамда оқсилларга бой. Тарвузнинг 91 фоиз қисми сувдан иборат, шунинг учун ҳам уни сув ўрнида чанқоқбосди сифатида ҳам истеъмол қилиш мумкин. Шунингдек, тарвуз кам калорияли полиз маҳсулоти ҳисобланади. 100 грамм тарвузда атиги 38 калория мавжуд, парҳез сақлаётганлар ёки даволанётганлар учун бу айни муддаодир.

Қовун эса таркибидаги витаминлар, минераллар ҳамда бошқа фойдали моддалар эвазига саратон ва инсульт каби касалликларнинг олдини олиш хусусиятига эга. Катта ёшлилар бир кунда 300 — 500 граммдан кўп бўлмаган миқдорда қовун истеъмол қилиши тавсия этилади. Чунки унинг ҳазм бўлиши қийинроқ. Қовунни эрталаб нонуштада ейиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилинганда у кун бўйи ҳазм бўлиб кетади.

Қовун С витаминига бой полиз маҳсулоти. 100 грамм қовун таркибида С витаминининг кундалик 20 — 30 фоиз истеъмол меъёри мавжуд. Мазкур витамин тери ҳужайралари ва бутун тана ҳолати меъёрини яхшилаб, жароҳатларнинг тез битишига кўмаклашади, шунингдек, суяк ҳамда тиш милклари мустаҳкамлигини ҳам таъминлайди.

Тарвузнинг истеъмол нормаларига келсак, уни кунига тахминан икки порция, яъни икки мушт катталигига тенг еган маъқул. Аслида-ку, қатъий чегара йўқ, лекин меъёрга риоя этиш фойдадан холи бўлмайди. Тарвузни асосий овқатдан кейин, ширинлик ўрнида истеъмол қилишни маслаҳат берамиз.

**— Қовун-тарвуз истеъмолидан заҳарланган беморлар учраб турадими? Бундай кўнгилсиз ҳолатнинг олдини олиш учун нималарга эътибор беришимиз лозим?**

— Айни пишиқчилик даврида аҳоли ўртасида қовун-тарвузнинг нотўғри истеъмоли ёки сифатсиз маҳсулот хариди натижасида заҳарланиш ҳолатлари учрайди. Шу билан бирга, эпидемиологик суриштирувга кўра, аҳолининг ушбу маҳсулотлар истеъмолида бироз бепарволиги ушбу кўнгилсиз ҳолатларнинг асосий сабаби бўлаётгани аниқланган. Масалан, харидорлар орасида полиз экинлари таркибида нитратга ва нитратлиларга ветеринария-санитария лабораторияларида текширилганликни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қиладиганлар жуда кам.

Кўпчилигимиз аксарият ҳолларда полиз маҳсулотларини магистраль йўл ёқаларида, кўча-кўйларда, маҳалла ва мавзелар ичида ёки арава ҳамда бошқа транспорт воситаларида сотаётганлардан харид қиламиз. Табиийки, улар қовун-тарвузнинг сифатига кафолат бермайди. Маҳсулотни улардан олганимизни исботловчи чек ҳам қўлимизда бўлмайди. Шундай экан, танамизга қувват бахш этувчи бу дармондорини фақат сифатли сақланадиган, қатъий назоратда бўлган масканлардан сотиб олганимиз маъқул.

Масаланинг яна бир томони шуки, маҳсулотнинг пишган ёки пишмаганлиги ва унинг мазаси жойидалигига ишонч ҳосил қилиш учун қовун-тарвузларни сотиб олиш жараёнида чавақлаб беришини талаб этамиз. Айтинг-чи, бирон маротаба қовун ёки тарвузни чавақлашдан аввал пичоқни ювиш у ёқда турсин, ҳатто артиб ишлатган сотувчини кўрганмисиз? Менимча, деярли йўқ. Унутмаслик жоизки, қовун-тарвуз ҳам тез айнийдиган маҳсулотлар сирасига киради.

Биз кўпинча оила-аъзоларимиз билан бирга ўтирганда еб тугата олмайдиган катталикдаги полиз маҳсулотини сотиб оламиз. Табиийки, уни бир неча кун давомида сақлашга тўғри келади. Тасаввур қилиб кўринг, биронта оилада айнан полиз маҳсулотларини сақлаш учун алоҳида музлаткич борми? Бўлган тақдирда ҳам жуда кам оилалар бу каби имкониятга эга. Демак, биз истеъмол қилиб улгурмаган полиз маҳсулотларини музлаткичсиз ёки музлаткичда пишмаган маҳсулотлар, дейлик, гўшт, тухум, балиқ, мева-сабзавотлар, сут ва сут маҳсулотлари билан бирга сақлаймиз.

Эътибор қаратиш керак бўлган яна бир жиҳат қовун-тарвузни сотиб олаётганда танлаш билан боғлиқ. Албатта, ҳар бир инсон сифатли маҳсулотни арзон нархга харид қилишга интилади. Сифатли маҳсулот эса бирмунча қиммат туриши ҳаммамизга маълум. Бундай имкониятлар ҳаммада ҳам бир хил эмас. Шундай экан териш, ташиш ва сақлаш жараёнида пачақланган, эзилган, ёрилган ёки бутунлиги қандайдир даражада бузилган, сўлиб қолган полиз маҳсулотларини арзон-гаровга сотаётган ва харид қилаётган одамларни ҳам кўришимиз мумкин. Қовун-тарвуз пишиб етилганда унинг таркибида углеводлар, айниқса, сахароза, фруктоза, манноза ва бошқалар миқдори юқори бўлади. Бутунлиги бузилган полиз маҳсулотлари эса микроорганизмлар, жумладан, касаллик қўзғатувчи вируслар учун тайёр озуқа муҳитига айланади.

Ҳозирги пайтда умумий овқатланиш муассасаларида полиз маҳсулотларини кесилган, тўғралган, майдаланган ҳолда хўрандаларга таклиф этиш оммалашиб боряпти. Уларни истеъмол қилиш қанчалик тўғри? Билишимиз шартки, қовун-тарвузни шу кўринишда тайёрлаб берадиган шахслар тиббий кўрикдан ўтган бўлиши, санитария-гигиена қоидаларига риоя этиши, кийим-боши, қўллари, ушбу мақсадда ишлатиладиган пичоқлари, санчқилари ва идишлари яхшилаб ювилган бўлиши даркор. Шундай ҳолатда ҳам кесилган полиз маҳсулотлари кўпи билан икки соат ичида ейилиши лозим.

Демак, юқоридаги каби ҳолатларга эътиборли бўлсак, умид қиламанки, қовун-тарвуз истеъмоли билан боғлиқ салбий ҳолатлар камаяди.

Яна бир жиҳат, болаларнинг организми катталарники каби кучли эмас, улар полиз маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилса, салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Албатта, уларнинг ҳам қовун-тарвуз егиси келади. Бундай ҳолларда уларнинг истагини инкор қилмай, бунинг меъёрини белгилаб олган мақсадга мувофиқ.

**— Маҳсулот айниган ёки ҳали пишиб етилмаганини қандай аниқлаш мумкин?**

— Биламизки, юртимизда полиз маҳсулотларининг пишиб-етиладиган даври бор. Дастлаб ҳандалак, кейинроқ эртапишар қовун-тарвузлар, кузга бориб эса маромида пишган қовун-тарвузлар расталаримизни безайди. Ҳозирги кунда биз ўрганиб қолган ўша мавсумийлик йўқолиб боряпти. Бунинг турли сабаблари мавжуд. Биринчидан, полиз маҳсулотларининг тезпишар навлари юртимизга олиб келинаётгани бўлса, иккинчиси — бу каби маҳсулотларни етиштиришда янгича усуллардан (иссиқхона, пишиб-етилиш жараёнини тезлаштирувчи кимёвий воситалардан) фойдаланилаётганидир.

Тадбиркорлик кундан-кунга ривожланаётган бир даврда яшаётганимиз боис, ҳали май ойи келмасданоқ пишган қовун-тарвузни кўриб, ажабланмай ҳам қўйдик. Ана шундай шароитда аҳоли эҳтиёжи учун сифатли маҳсулот етказиб берилса, барчамиз бундан, албатта, мамнун бўламиз.

Тарвузнинг дум қисми қуруқ ва сарғишлиги унинг ғарқ пишгани белгиси. Агар бу қисм яшил бўлса, маҳсулотнинг етилишига бироз борлигидан далолат. Яхши тарвуз усти ёқимли ялтироқ тусга эга бўлади. Қовуннинг ҳам ташқи кўриниши муҳим. Унинг ҳиди ёқимли бўлса, яхши пишганидан дарак.

Айниган ёки сифатсиз маҳсулотни қандай аниқлаш мумкин? Биринчи навбатда, агар маҳсулотнинг кўриниши, яъни кесилган жойи қорайиб қолган, ранги, таъми ва ҳиди ўзгарган бўлса, уларни истеъмол қилмаслик керак. Мабодо, қовун ёки тарвуз егандан кейин, умумий ҳолсизлик, тана ҳароратининг кўтарилиши, кўнгил айниши, қорин соҳасида оғриқ, қайт қилиш ва ич кетиш кузатилса, дарҳол тез ёрдамга мурожаат этиш зарур.

**Акмалжон ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.15 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6